

Саудия Арабистони мамлакатдаги саводсизликни тугатмоқчи



12:30 / 21.11.2018 3452

Таълим вазрлигининг маълум қилишича, янги ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ 2024 йилгача мамлакатда саводсизлик бутунлай тугатилади, деб [хабар беради](#) "Arab News" ахборот агентлиги.

Аёл ва эркеклар ҳамда болаларнинг чорак қисми ўқиш ёки ёзишни билмайдиган шундай шароитда бу каби жиддий ташаббуснинг илгари сурилгани қатор халқаро экспертлар ва таълим муассасалари томонидан қўллаб-қувватланган.

Маълумки, шу йилнинг бошида Саудия Арабистони 2030 йилгача мамлакатдаги саводхонлик даражасини 100 фоизга кўтаришга ваъда берган эди. Экспертларнинг айтишича, саводсизлик муаммоси дунё

иқтисодиёти ривожига катта тўсиқ бўлиб, унинг умумий зарари 1 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Рақамларга қараганда, бугун дунёда тахминан 750 млн нафар ёши катта бўлган инсон умуман ўқиш-ёзишни билмайди.

“Агар Саудия Арабистони ўз мамлакатига саводсизликни йўқотиш бўйича сармоя киритадиган бўлса, бу, ўз навбатида бошқа араб давлатлари учун ҳам ажойиб мисол бўлади. Улар муваффақиятга эришишнинг энг фойдали модел ва амалиётларини баҳам кўрадилар”, дейди ProLiteracy дастурининг катта мутахассиси Алёша Андерсон.

Islom.uz портали таҳририяти